

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Санобар Халимовна ТЎРАЕВА

катта ўқитувчи

Қарши давлат техника университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада глобаллашув жараёнининг даражаси, ижобий ва салбий жиҳатлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётдаги ўрни, миграция замонавий халқаро муносабатларни тавсифловчи тенденциялардан бирига айлангани, ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, глобаллашув жараёни, глобаллашув даври, глобал муаммолар, миграция, объектив, субъектив омил, жараён, жамият, тенденция.

АНАЛИЗ ПОЛОЖИТЕЛЬНЫХ И ОТРИЦАТЕЛЬНЫХ АСПЕКТОВ ПРОЦЕССОВ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Санобар Халимовна ТУРАЕВА

Старший преподаватель

Каршинский государственный

технический университет

Карши, Узбекистан

Аннотация

В статье освещаются уровень и динамика процессов глобализации, их положительные и отрицательные аспекты. Рассматривается влияние глобализации на экономическое, социально-политическое и духовное развитие. Особое внимание уделяется тому, что миграция стала одной из ключевых тенденций, характеризующих современные международные отношения, и сохраняет свою актуальность в условиях современности.

Ключевые слова: глобализация, процесс глобализации, эпоха глобализации, глобальные проблемы, миграция, объективный, субъективный фактор, процесс, общество, тенденция.

Глобаллашув яхлит жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Умумий маънода, глобаллашув, бир томондан муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканини англатади.

XXI асрда инсоният фан-техника ютуқларини қўлга киритишда муваффақиятларга эришадиганлиги билан ўзига хослигини намоён этмоқда.

Глобаллашув жараёнида кишилик жамияти эришган глобаллашув тарихи, ҳозирги куни, ютуқ ва камчиликлари, босиб ўтилган тарихий узоқ йўлдан олинган фалсафий хулосаларга эътибор қаратилади. Шу билан бирга эртанги кунимиз фаровонлиги йўлида назарий қарашларнинг аҳамиятли жиҳатларига назар солинади. “Одамлар оловга ўхшайди, деган эди донишмандлардан бири, иссиғидан баҳра ол-у куйдиришидан эҳтиёт бўл”. Тараққиёт мевалари ҳам худди шундай, ундан қўрқиш эмас, фақат тўғри фойдалана билиш керак. Қандай мақсадда қўлласангиз, ўша тарафга етаклайди [9;10].

Бугунги кунга келиб, жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши тараққиётнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатларини ҳам юзага чиқармоқда, бу инсоният олдида кутилмаган янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда.

XXI аср дунё давлатларида ҳаётий жараёнларнинг жуда шиддатлилиги, технологияларнинг тезкорлиги, глобаллашуви билан кузатилмоқда. Шу жумладан илм-фанда ҳам “глобаллашув”, “глобаллашув жараёни”, “глобаллашув даври”, “глобал муаммолар” атамалари кенг қўлланила бошлади [1; 452–453].

XX аср охири ва XXI аср бошларида табиий, инсон ресурслари ва капиталдан нотекис ва адолатсиз фойдаланиш туфайли тарихий жараёнда мисли кўрилмаган ижтимоий ва минтақалараро тенгсизлик юзага келди ва натижада глобал муаммолар сезиларли даражада кескинлашди. Таъкидлаш жоизки, учинчи минг йилликнинг бошларига хос бўлган глобал муаммолар аксарият ҳолларда техноген цивилизация туфайли вужудга келган.

Экологик ҳалокатлар, сиёсат, тинчлик ва уруш соҳасидаги глобал инқирозлар шуни кўрсатадики, анъанавий техноген шаклларда эришилган тараққиёт босқичи амалда ўз имкониятларини тугатди. Буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамятининг ривожланиш истиқболларини уч гуруҳга бўлинган глобал муаммолар нуқтаи назаридан танқидий кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Биринчи гуруҳ муносабатлари – асосий ижтимоий жамоалар ўртасидаги муносабатлар – ҳозирги замоннинг глобал дунё муаммоларининг алоҳида синфини шакллантиришни белгилайди:

- цивилизациянинг ҳалокатига ва сайёрадаги ҳаётнинг мавжудлигига таҳдид солувчи ракета-ядро урушининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва ядро қуролини тарқатмаслик, оммавий қирғин қуролларининг янги тизимларини ишлаб чиқаришни ва қўллашни тақиқлаш, қуролсизлантириш;

- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принциплари асосида янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш;

- жаҳон мамлакатлари ва халқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш мақсадида сиёсий ва иқтисодий интеграциянинг илғор шакллари ривожлантириш: жаҳон савдосидаги мавжуд номутаносибликлар ва чекловларни бартараф этиш;

- фан-техника тараққиётини бошқариш ҳамда фан ва техникадан фойдаланишда ғайриинсоний тенденцияларни бартараф этиш.

Яқин ўтмишга қадар кўплаб глобал муаммолар икки сиёсий тизим: капиталистик ва социалистик тизимларнинг қарама-қаршилиги билан боғлиқ эди. Икки қутбли дунё ўрнига бошқа дунё келди, бу эса муаммолар характерининг ўзгаришига олиб келди.

Биринчидан, икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тизимнинг тўқнашуви натижасида жаҳон уруши хавфи ўрнига кўплаб маҳаллий можаролар юзага келди. Можароларнинг ҳар бири ўзига хос глобаллик ўлчовига эга, чунки улар кўплаб томонларни, шу жумладан унинг пайдо бўлишига алоқаси бўлмаган томонларни ҳам ўзига тортиши мумкин.

Шунингдек, ҳозирги шароитда умумий ҳарбий ҳалокат хавфи бутунлай йўқ деб ҳам бўлмайди. Жаҳон можароси маҳаллий зиддиятларнинг тарқалиб кетиши, ядро қуроли устидан назоратнинг йўқолиши ва ҳоказолар натижасида атайлаб қилинмаган ҳолда келиб чиқиши мумкин. Ядровий

арсеналларнинг террорчи гуруҳлар томонидан эгаллаб олиниши мутлақо истисно этилмайди.

Иккинчидан, қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тизимлар ўртасида қарама-қаршилиқ бўлмаган шароитда адолатли иқтисодий тартиб ўрнатиш муаммоси янада яққол кўзга ташланади. У жаҳон тараққиётининг нотекислиги билан боғлиқ. Сайёрамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва шунга мос равишда аҳоли фаровонлиги даражаси бўйича кескин фарқ қилувчи мамлакатлар гуруҳлари мавжуд. Бир томондан, бу ривожланган мамлакатларнинг нисбатан кам сонли гуруҳи бўлса, иккинчи томондан, иқтисодий ривожланиши қоқ, аҳолининг турмуш сифати паст бўлган давлатларнинг катта сонидир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти, одатда, яққол ифодаланган хомашё характери билан ажралиб туради. Шу сабабли бу ерда бошқа кўплаб муаммолар қатори экологик муаммолар ҳам айниқса кескин бўлиб турибди.

Сайёрамиз аҳолисининг аксарияти ривожланаётган ва ўртача ривожланган мамлакатларда истиқомат қилади. Жаҳон тараққиётининг умумий тенденцияси куйидагича: улар ўртасидаги тафовут қисқармаяпти, балки ўсиб бормоқда.

Муаммоларнинг иккинчи гуруҳига жамиятнинг табиат билан муносабатларини оптималлаштириш, уйғунлаштириш ва инсонпарварлаштириш муаммолари билан боғлиқ глобал муаммолар (экологик, демографик, энергетик, озиқ-овқат ва бошқалар) киради.

Экологик муаммонинг моҳияти инсониятнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва табиий муҳитнинг барқарорлиги ўртасидаги зиддиятнинг чуқурлашуvidан иборат. Айни пайтда БМТ маълумотларига кўра, 1 миллиард 200 миллионга яқин аҳоли ичимлик суви танқислигини бошдан кечирмоқда. Биологларнинг қайд этишича, ҳар куни инсон фаолияти натижасида дунё 150 турдаги ҳайвон ва ўсимликларни йўқотмоқда. Ҳозирги вақтда хўжалик кичик тизими аллақачон қуруқлик юзасининг 63 фоизига таъсир кўрсатмоқда ва инсоният цивилизацияси биосферанинг соф бирламчи

махсулотининг 40 фоизини истеъмол қилмоқда, шундан атиги 10 фоизи тўғридан-тўғри истеъмол учун ишлатилади ва 30 фоизи йўқ қилинади.

Аҳолининг назоратсиз ўсиши ресурс-хом ашё базасига путур етказмоқда, бизни табиий муҳитга йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта қийинчиликларга шиддат билан яқинлаштирмоқда. Бундай қийинчиликларнинг чегаравий даражасидан ошиб кетиши табиий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Экологик ва энергетик муаммолардан ташқари, яқин йиллар ичида демографик муаммо ҳам кескинлашади: Халқаро амалий тизимли тадқиқотлар институти прогнозига кўра, тахминан 45 йил ичида Ер юзи аҳолиси сони икки баравар кўпаяди.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида демографик муаммоларнинг мавжудлигига биринчи бўлиб XVIII асрнинг охирида илк бор инглиз олими Т.Р.Мальтус ўз эътиборини қаратган эди. Бу муаммонинг мазмуни ва моҳияти шундаки, озиқ-овқат маҳсулотлари ва инсонлар ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли сонининг ошиб боришидан иборатдир. Кўз олдимизда юз бераётган бундай «демографик портлашлар» кейинчалик табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни ва инсонларни хўжалик фаолиятидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рўй бераётган камбағалликни енгиш, очликни камайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги бир қатор муаммоларни янада чуқурлаштириб юбориши мумкин [5;117].

Шундай қилиб, XXI аср бошида инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири нуқтаи назаридан ҳозирги замоннинг биринчи даражали глобал муаммолари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- табиий хомашё ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш муаммоси;
- ёқилғи-энергетика ресурслари тақчиллиги ортиб бораётганлиги сабабли энергетика инқирозининг олдини олиш муаммоси;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ва унинг ўз-ўзини такрор ишлаб чиқариш механизми;
- демографик динамикани уйғунлаштириш ва моддий-техника базасини ривожлантириш учун аҳоли ўсиши ва сифатини бошқариш муаммоси;
- табиий офатларнинг олдини олиш муаммоси (тупроқ эрозияси, сув тошқини ва ҳ.к.)

Глобал муаммоларнинг учинчи гуруҳи – бу жамият ва шахснинг турли хил муносабатларини демократлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий, гуманитар қаторнинг умуминсоний (субглобал) муаммолари, саводсизлик, қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизликнинг бошқа шакллари бартараф этиш муаммолари, таълим, соғлиқни сақлаш, турмуш даражаси ва сифатини оширишни режалаштириш ва тартибга солиш муаммолари ва бошқалар.

Алоҳида мамлакатлар ва минтақаларнинг фаровонлик даражасидаги катта тафовутлар туфайли юзага келадиган таҳдидлар глобал тус олмоқда, бу эса миллионлаб одамларни у ёки бу мамлакатга керак бўлишидан қатъи назар, яхши ҳаёт излаб ўз уйлари тарк этишга мажбур қилмоқда. Очлик, этник низолар, ижтимоий қарама-қаршилик, терроризм, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, наркотик моддалар ва қурол-яроғ савдоси энди давлат чегараларида ушлаб турилиши мумкин эмас.

Ривожланаётган мамлакатларда аҳоли сонининг ўсиши ва қашшоқликнинг чуқурлашувининг энг аниқ оқибатларидан бири халқаро миграциянинг ўсишидир. Бугунги кунда миграция глобаллашув ва интеграция билан бир қаторда замонавий халқаро муносабатларни тавсифловчи тенденциялардан бири ҳисобланади. Ҳам глобаллашув ҳам интеграция инсониятнинг глобал ҳаракатчанлиги ва миграция жараёнини кучайтирди. Бу жараёнда мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланиши, демографик кўринишини яхшилаш, этник ва конфессионал хилма-хиллик ижобий тенденциялар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда барча даражадаги хавфсизликка таҳдид сифатида қаралиши мумкин бўлган миллий,

минтақавий, глобал тенденциялар ҳам мавжуд. Булардан бири ноқонуний миграция бўлиб, дунёнинг деярли барча минтақаларида катта кескинликни келтириб чиқаради, бунинг натижасида хавфсизлик муаммолари келиб чиқади [3;115].

Миллионлаб одамлар иш излаб бошқа мамлакатларга кўчиб кетмоқда. Сўнгги ўттиз йил ичида ривожланаётган мамлакатлардан 40 миллионга яқин одам бой мамлакатларга кўчиб ўтди ва ҳар йили уларга яна бир миллионга яқин одам қўшилмоқда. Ноқонуний халқаро муҳожирилари сони ҳозирда 30–40 миллион атрофида. Глобал миграция қитъалар ўртасида содир бўлиб, шаҳарлар ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Миграциянинг аҳоли шаклланиши ва иқтисодиётнинг ривожланишидаги роли тобора кучайиб бормоқда. Шунинг учун олиб, XXI асрни "глобал миграция асри" деб аташ мумкин [7;70].

Ҳозирги глобаллашув шароитида улар нафақат шиддатли характер касб этди, балки хилма-хил ҳам бўлиб қолди. Бу эса "миграция" атамаси доирасини кенгайтириш заруратига олиб келди. Ҳозирги вақтда миграция аҳолининг иш, ўқиш, туризм, тижорат фаолияти билан боғлиқ вақтинчалик ҳаракатларига тобора кўпроқ сабаб бўлмоқда. Миграция нафақат давлатлараро, балки давлат ичкарисида бўлиши ҳам мумкин [2;112].

Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришда ташқи меҳнат миграциясини мониторинг қилишнинг доимий механизмини жорий қилиш, шу жумладан танланма ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш орқали қабул қилувчи мамлакатлар билан меҳнат мигрантлари муаммоларини бартараф этувчи икки томонлама ҳукуматлараро битимларни тузиш механизмини кучайтириш, меҳнат мигрантлари статистикасини ва ҳисобга олишнинг янги тизимини жорий этиш, миграциянинг махсус усул ва методларини ўрганиш, ишончли маълумот тўплаш учун тўла ҳуқуқли тизимни жорий қилиш зарурлиги ушбу масалани мунтазам ўрганишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мигрант ёшлар сони, таркиби, меҳнат миграциясининг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳақиқий (реал) ва тўлиқ маълумотларга эга бўлмай туриб, унинг ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш мумкин эмас. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг Халқаро миграция ташкилоти фаолиятида иштирок этган ҳолда кузатувчи сифатида қатнашишини таъминлаш, ушбу мураккаб жараёни тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади [4;51].

Инсоният учун энг ҳалокатли таҳдидлардан бири наркотик моддалар савдосидир. Ҳозирги вақтда наркотик моддаларнинг чакана савдоси миқдори халқаро нефть савдоси ҳажмидан ошиб кетмоқда ва фақат қурул савдоси ҳажмидан паст.

XXI асрда жаҳон цивилизациясига таҳдид солаётган реал хавф халқаро терроризмдир. Геосиёсий жиҳатдан терроризмнинг тарқалишига ижтимоий-иқтисодий ва цивилизацияларaro зиддиятлар таъсир кўрсатмоқда, улар дунё тузилишининг икки қутбли тизимининг парчаланиши натижасида чуқурлашди.

Муқаррар зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар СССР парчаланганидан кейин юзага келган бир қутбли дунёда яширинган бўлиб, улар қутилмаганда сайёрамизнинг турли нуқталарида пайдо бўлиши ва дунёни янги жаҳон уруши хавфи остида қолдириши мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги дунё ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, беқарор. У охир-оқибат инсониятнинг омон қолиш муаммосига дуч келди.

Ҳозирги замоннинг глобал муаммолари қайси ижтимоий-сиёсий формацияга ёки маданий маконга мансублигидан қатъи назар, барча турдаги жамиятлар олдида турибди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни ўзида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, бу борадаги ҳаракатларни мужассамлаштирган бўлиб, дунё ҳамжамияти ривожланиши босқичларида кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, бошқа бир иқтисодий-ижтимоий, экологик ва иқлим ўзгариши, озиқ-овқат

хавфсизлиги, тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш ва улар таъминоти кабилар билан боғлиқ муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлганлиги боис, унга нисбатан ҳозирги замон глобал муаммолари, деб қаралмоқда [8;702–703].

Глобаллашувнинг кучайиши натижасида меҳнат бозоридаги тақсимотда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Жаҳон иқтисодий форумининг охириги йиғилишида маълум қилинишича, 2025 йилга келиб, 85 миллион ишчи ўрни йўқ бўлиши, аммо ўрнига 97 миллион иш жойлари яратилиши маълум қилинган.

Рақобатбардошлик тушунчаси мамлакат иқтисодий ҳаётининг етакчи омилларидан экани, шубҳасиз. Рақобат бор ерда ўсиш, юксалиш бардавом бўлишини инобатга олсак, меҳнат бозорининг етук ва малакали кадрлар билан таъминланиши рақобат муҳитининг жонланишида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, рақобатбардош ишчи кучига бўлган талаб ва эҳтиёж ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида бирдек долзарб масаладир. Ҳозирда меҳнат бозорига кириб келаётган аҳоли қатлами орасида меҳнатга рақобатбардош бўлмаганларнинг ҳам борлиги, уларни ижтимоий ҳаётдан ажратмаган ҳолда бандлигини таъминлаш, қулай шароит ва тартибларда иш ўринларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатга рақобатбардошлик – белгиланган вазифани ўз вақтида ва сифатли бажариш учун яроқлилиқ даражасидир. Глобаллашув жараёнида ижтимоий муаммолардан бири бўлган мазкур масаланинг ечимини топиш жиддий эътибор талаб этиладиган жараён бўлиб, бунда, аввало, меҳнатга рақобатбардош бўлмаган аҳоли вакиллари аниқлаш, доимий рўйхатини шакллантириш, улар ўртасида сўровнома ўтказиш, ўзлари қизиққан йўналиш ва имкониятларга доир таклифлар бериш ва шу орқали улар бандлигини таъминлашни кўзда тутди [6;32].

Ўзбекистон сингари ривожланаётган давлатлар технологик сакрашда ихтирочи бўлиб, глобал технология платформаларида фаол иштирок этиши учун нима қилиш керак, деган саволга Япониянинг Токио университети докторанти Бекзод Зокиров ўз фикрларини билдирди.

Экспертнинг таъкидлашича, республика зиммасидаги асосий вазифа технологик ривожланиш учун муҳим бўлган уч томон: давлат–саноат–академия (илмий тадқиқот марказлари) ҳамкорлигини мустаҳкамловчи институционал муҳит яратишдан иборатдир.

Объектив равишда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида жаҳон иқтисодиёти ва маданиятининг бир хиллашувига олиб келувчи тенденциялар амал қилмоқда. Нафақат субъектлар фаолиятини умумий тамойилларга бўйсундирувчи глобал иқтисодий тармоқлар шаклланади, балки умумжаҳон маданиятининг кенгайишига олиб келадиган тегишли ижтимоий-маданий мослашув ҳам содир бўлади. Бундай шароитда маданиятларнинг ижобий мулоқоти имкониятлари ва истиқболларини аниқлаш, цивилизациявий кутблар ўртасида барқарор ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш механизмларини ўрнатиш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, глобаллашув нафақат иқтисодий, балки сиёсий, мафкуравий ва бошқа соҳаларда ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқарадиган ҳодиса бўлиб, юқорида айтилган жараёнларни диалектик алоқадорликда ўрганиш ушбу соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асланов Д., Маназаров С. Academic research in educational sciences volume //Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020. – P.452-453.
2. Бозоров М.Ж. Глобаллашув ва миграция жараёнлари диалектикаси //Yangi O‘zbekiston, yangi tadqiqotlar jurnali / <https://phoenixpublication.net/>
3. Деловарова Л.Ф. Миграционные процессы в современных международных отношениях и проблемы региональной безопасности в ЦА //Вестник КазНУ, Серия МО и ПМ. – №1-2(51-52). – 2011. С.115.
4. Исматов И.М. Ташқи меҳнат миграция жараёнларида ёшларнинг иштироки: “Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент: Инновацион ривожланиш, 2020. – 163 б.

5. Мамарахимов Б.Э. Глобаллашув шароитида ёшларнинг хизматлар соҳасида бандлигини таъминлаш имкониятлари: “Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами — Тошкент: Инновацион ривожланиш, 2020. – 163 б.

6. Райимова Ш.С. Меҳнатга рақобатбардошлик – фаровон турмуш асоси: “Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент: Инновацион ривожланиш, 2020. – 163 б.

7. Рязанцев С.В., Боженко В.В. Миграция в условиях глобализации //Народонаселение, 2010. – № 4. – С.70.

8. Саиджанов С.Д. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий жиҳатлари: «Globallashuv va iqlim o'zgarishi sharoitida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash: muammo va yechimlar» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani. – Toshkent, 2024. – Б. 702-703.

9. Шовкатов Ш.Ш. “Глобаллашув ва инсон” алоқадорлиги истиқболлари: “Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами – Тошкент: Инновацион ривожланиш, 2020. – 163 б.